



ЖАМИЯТ

№ 12 (788)
2022 йил
31 март,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газет



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru

t.me/bonguz1



Салма деса, каллани олиб келадиغانларга...

● 4

Энг даҳшатлиси, устозларнинг елкалари букилди, юзлари ерга қаратилди, уларни руҳан синдиришди. Ёш устозлар очиқ-ошкора “ўқитувчилик касбини танлаганимдан минг афсусдаман”, дея хулоса қилишмоқда. Ҳеч бир замонларда, ҳеч бир жамият ва давлатларда бундай ҳолат бўлмаган. Аксинча, масалан, Ҳиндистонда устозларнинг ҳурмати шу даражада юқорики, ҳатто уларнинг соясига ҳам оёқ бошишмайди ёки Японияда устозларга нафақат мактабда, балки ҳамма жойда бирдек таъзим-ҳурмат бажо келтирилади ҳамда ҳар бир япониялик болакай ўқитувчи бўлишни орзу қилади.

ҚИЗЛАРГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ,
ЭРКАККА ЭСА ЯРАШМАЙДИ

● 6

Кўриб турганингиздек кўп ҳолларда хорижий мамлакатларда ишлаб, юртини танитишни истган ўғил-қизнинг “қўлингдан нима келарди, мен бозорда ишляпман, сен ҳам бозорга чиқ”, мазмундаги “маслаҳатлар” ўзига бўлган ишончини туширмоқда.



● 8

“ЕРФУРУШ” ТАПАБАГА АЛДАНДИНГИЗМИ?

Сўнгги пайтларда турли даражадаги мансабдор шахслар томонидан ноқонуний ер сотиш, ерга нисбатан кадастр ҳужжатларини тўғирлаш билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатларга қўл урилаётган ҳолат ва уларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар томонидан фош этилгани ҳақидаги хабарларга тез-тез кўзимиз тушмоқда. Баён қилмоқчи бўлганимиз мазкур ҳолат ҳам одатдаги “ерфурушлик” дан кўп фарқ қилмайди. Фақат бу сафар фирибгарлик йўли билан ер сотишга уринган шахс қайсидир туман ҳокимининг ўринбосари ёки ҳокимият мулозими эмас талаба бўлиб чиқди...

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 29 март куни
Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Президент Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул кўйди. Меҳмонга мажмуада акс эттирилган тарих ва мазмун ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бу хорижий давлат раҳбари ташрифи чоғида “Янги Ўзбекистон” боғида ўтказилган биринчи шундай маросим бўлди ва келгусида анъанага айланади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда давлат раҳбарлари олдида саф тортиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған тор доирада музокара-лар ўтказди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар даражасида доимий мулоқотлар йўлга қўйилган. Олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған кооперация лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканини қайд этдилар.

Шу маънода, мамлакатларимизнинг катта салоҳияти ва имкониятларини, жумладан, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия механизмидан фаол фойдаланиш орқали рўёбга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашаркан, мамлакатларимизнинг позициялари ўхшаш эканини қайд этдилар. Кўп томонлама халқаро институтлар доирасида ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия етакчисини қутлар экан, ўзаро ҳамкорликда юксак даражага эришилганидан, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнунлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған мамлакатларимизнинг қардошлиқ ришталарига асосланган стратегик шериклиги барча соҳаларда ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ривож топаётганини алоҳида қайд этди.

Икки мамлакат етакчиларининг расмий ташрифлари ва мунтазам мулоқотлари сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, сермаҳсул амалий шериклик учун кенг имкониятлар очди.

Савдо ва инвестиция соҳаларида алоқалар жадал ривожланмоқда. Жумладан, кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш 2,5 баробарга ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошди. Кўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайиб, 2 мингдан ортди. Инвестициявий ҳамкорлик кўрсаткичлари 70 баробарга ўсди.

Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида томонлар шерикликни, шу жумладан, савдо ва иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашинув каби соҳаларда янада енгайтиришнинг устувор йўналишларига батафсил тўхталдилар.

Ўзбекистондаги ислохотлар бора-бора ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш, фан, таълим, санъат, кино, туризм ва ахборот соҳаларидаги шерикликни чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Ҳамкорлик қўламини кенгайтганини ҳисобга олиб, томонлар муносабатларни янги даражага – кенг қамровли стратегик шериклик босқичига олиб чиқишга қарор қилдилар.

Музокаралар якунида Режеп Таййип Эрдоған Шавкат Мирзиёевга икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Туркияга ташриф билан келишни таклиф этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида яна бир муҳим воқеа – Тошкент вилоятида замонавий иссиқлик электр станциясини ишга тушириш ҳамда Сирдарё вилоятида шундай станция қурилишини бошлаш маросими бўлди. Ушбу лойиҳалар Туркиянинг

“Cengiz Enerji” компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маросимда нутқ сўзлар экан, лойиҳаларнинг аҳамиятига тўхталди, ушбу мажмуалар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик самараларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади. Охириги бир йилнинг ўзида туркиялик компаниялар билан биргаликда Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлган 5 та йирик энергетика лойиҳалари амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, ушбу станцияларнинг умумий қуввати бугунги лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда 1,4 минг мегаваттга етади.

Ўзбекистон энергетика тармоғини модернизация қилиш натижасида 2026 йилгача давлат-хусусий шериклик асосида умумий қиймати 12 миллиард долларлик 29 та лойиҳа ишга туширилиши таъкидланди. Улар қўшимча 71 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини яратади, йилга 12 миллиард куб метр табиий газ тежаллади.

Давлатимиз раҳбари электр станциясини бунёд этишда қатнашган муҳандис ва қурувчиларга миннатдорлик билдирди. Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоған рамзий тугмани босиб, Қибрай туманидаги иссиқлик электр станциясини ишга туширди ва Ховос туманидаги иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаб берди.

Қибрайдаги ИЭС қуввати 240 мегаватт бўлиб, йилга 2 миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқаради.

Ховос туманидаги янги иссиқлик электр станцияси 220 мегаватт қувватга эга, унда йилга 1 миллиард 700 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича Кўшма баёнот имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 9 та ҳужжат имзоланди.

- Жумладан:
 - Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим;
 - Давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённома;
 - Меҳнат ва бандлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми;
 - Суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик меморандуми;
 - Қурилиш соҳасида англашув меморандуми;
 - Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси;
 - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Туркиянинг “Анадолу” агентлиги ўртасида ҳамкорлик битими.
- Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши

яқунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида халқларимизни Наврўз байрами ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойи билан табриклади. Миллатларимизнинг тарихи бирлиги ва бугунги яқинлигига эътибор қаратди.

— Буюк ипак йўлининг чорраҳаларида жойлашган юртларимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қарвон йўллари туташган ҳудудлар сифатида шуҳрат қозонган. Ҳозирда турк қардошларимиз биздан минглаб километр олисда яшаётган бўлсалар-да, тилларимиз ва дилларимиз ниҳоятда яқиндир. Бизнинг тарихий илдизларимиз бир, бугунги орзу-интилишларимиз ҳам муштарак, – деди Ўзбекистон Президентини.

Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгаши алоқалар ривожига катта ҳисса қўшаётгани, унинг бугунги йиғилиши муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани таъкидланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги юқори даражасидан келиб чиқиб, муносабатларимизни кенг қамровли стратегик шериклик мақомига кўтаришга келишиб олдик, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимиз давлат-хусусий шериклик механизмини ривожлантириш борасида яқиндан ҳамкорлик қилишдан ҳам манфаатдор.

Ўтган йили Анқара ва Истанбулда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилган эди. Бу йил Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Туркия маданияти кунларини ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистонда турк тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Тошкент давлат шарқшунослик университетида туркшунослик факультети самарали фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Тошкентда барча туркий халқларнинг буюк маданий мероси бўлган ноёб асар – “Дада Қўрқут китоби” ўзбек тилида тўлиқ ҳолда нашр этилди. Ўнлаб дostonлардан иборат ушбу кимматли китоб ажодларимизнинг шонли тарихи, ота-боболаримиз жасорати ва донишмандлигидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбари ушбу китобни Туркия Президентига туҳфа қилди.

– Сизнинг ташрифингиз ҳамкорлигимиз учун янги ва юксак имкониятлар яратишга жуда катта ҳисса қўшади. Ота юртингиз эшиклари Сиз ва барча туркиялик қардошларимиз учун доимо очик, – деди Президентимиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтказди.

Бу йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилганига 30 йил, Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганига 5 йил тўлди. Ушбу ниҳол ҳамкорлик ривожидида янги давр бошланаётгани, муштарак эзгу ниятларнинг рамзи бўлди.

Мазкур хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар раҳбарлари экан дарахтлар ҳам бор.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

АСОСЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ, НЕЙТРАЛ ПОЗИЦИЯ:

ҚАНДАЙ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА?

Бугунги кунда кўпчиликни қизиқтираётган савол: бу дунёда нималар бўляпти ўзи? Нима учун инсониятнинг ҳар томонлама турли соҳаларда эришган ютуқларига қарамасдан биз учун қардош бўлган Россия ва Украина ўртасидаги зиддият, можаролар чуқурлашиб, ҳарбий сиёсий хусусиятга эга бўлди? Бу танглик ва кечаётган жараёнларни тинчлик, дипломатик йўллар билан ҳал қилиб бўлмади. Келажакда шундай бўлмаслиги учун нималарга эътибор бериш керак? Бу йўналишдаги можарога нисбатан ўзимизни қандай тутдик? Позциямиз ташқи сиёсатимизнинг принципларига қандай мос келаяпти? Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатадики, бундай шароитда Ўзбекистоннинг позицияси ижобий бўлди ва ўзининг самарадорлигини кўрсатаяпти.

Авваломбор шуни айтиш керакки, бундай вазият Россия ва Украина доирасидан чиқиб жаҳондаги вазиятга салбий таъсир қилди ва олдиндан қутулмаган салбий жараёнлар вужудга келиб ривожланмоқда.

Иқтисодий муносабатларнинг бузилишига айрим йўналишларда тўхташига олиб келди. Йирик давлатлар ўртасида иқтисодий, молиявий уруш келиб чиқди. Гуманитар жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада мажбурий қочоқлар пайдо бўлди. Тинч аҳолининг катта қисми ўз уй жойини ташлаб кетишига мажбур бўлди. Бу жараён кечаётган жойларда тинч аҳоли томонидан талафотлар бўлмоқда. Ижтимоий маданий тизим тангликка учради. Воқеаларнинг фаол ривожланиб бориши жаҳон сиёсатида учта тенденция шаклланишига олиб келди. Яъни бир қисм давлатлар бу жараёнда Россияни айблаб, унга нисбатан санкциялар эълон қилишди ва давом эттиришмоқда. Иккинчи тенденция бу жараёнга нисбатан давлатлар нейтрал позицияда бўлиб келмоқда. Учинчи тенденция бир гуруҳ давлатлар Россия ҳаракатларини қўллаб чиқди. Тенденциялар ўртасидаги қарашлар позицияларнинг кескинлашуви ва чуқурлашувида кузатишмоқда.

Россия Украина ўртасида кийин ва олдиндан билиб бўлмайдиган вазият шароитида ҳарбий сиёсий тангликка нисбатан ҳар томонлама асосланган ташқи сиёсатдан келиб чиқиб, мавжуд ёндашувлар орасида нейтрал позиция энг тўғри йўл эканлиги ва ўз навбатида бу ҳолат бугунги ўта зиддиятли халқаро жараёнларда мустақкам овозга ва ўринга эга бўлиш, манфаатини химоя этишнинг янги механизмларига эга бўлмоқда. Аввало мавжуд шаклланиб бораётган сиёсий вазият ўрганилмоқда ва керакли қарорлар қабул қилиняпти. Бу ўз навбатида мамлакат миқёсида келиб чиққан муаммоларни вақтида тезкорлик билан ҳал этиш ва келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган масалаларнинг олдини олишга ҳарбий сиёсий вазият келиб чиққан кундан шу кунгача бўлган вазият таҳлилидан келиб чиқиб иш юритишни тақозо этади ва Ўзбекистоннинг бу позицияси куйидаги салбий жараёнларнинг олдини олиш имкониятини берди. Биринчидан, аҳоли орасида ўта сиёсийлаштирилган ахборот хуружлари таъсири остида ваҳима пайдо бўлишига йўл қўйилмади, жаҳон ҳамжамиятига, шунингдек Россия ва Украина томонига Ўзбекистон бундай шароитда миллий манфатларидан келиб чиқиб, нейтрал позицияда бўлиши, Россия ва

Украина биз учун қардош мамлакат эканлиги ҳақида кенг жамоатчилик фикри шакллантирилди.

Иккинчидан, йўқ жойдан келиб чиқиши мумкин бўлган, бизга хос бўлмаган янги сиёсий аҳамиятга эга муаммоларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмади, бошқача айтадиган бўлсак, қайсидир томонни қўллаб-қувватламасликка йўл қўйилмади. Гап шундаки, содир бўлаётган можарога нисбатан Россия томони “махсус ҳарбий операция” деб ўз фаолиятини шунга асосланиб олиб бораётган бўлса, Киев томони “Украинада ватан учун уруш” деб сиёсат олиб бормоқда. Кўриниб турибдики, бундай шароитда қайсидир томонни ёнини олсангиз, сиз у ёки бу даражада ҳарбий можаронинг иштирокчисига айланасиз. Ташқи сиёсат бўйича катта фалокатга олиб келиши мумкин бўлган салбий ҳолатга йил қўйилмади. Ўз навбатида бу ҳолат Россия ва Украина билан ҳам муносабатларни тўхтатмасдан давом этишини таъминлади.

Учинчидан, можаро бўлаётган жойдан ватандошларимизни олиб чиқишга имконият яратилди.

Тўртинчидан, бугунги кундаги жамиятимизнинг ривожланиши натижасида ислохотлар томонидан вужудга келган очиклик, яъни дунё ахборот дунёсига кириш, ундан айниса ёшлар орасида ижобий фойдаланиш юқори даражада. Бошқача айтадиган бўлсак, бўлиб турган воқеаларни яшириш ёки кўрсатмаслик имконияти деярли йўқ. Бундай шароитда халқаро ахборот маконидаги турли қарашлар, тортишувлар, бўлган воқеаларни турлича баҳолаш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган бўлинишга йўл қўйилмади.

Бешинчидан, Россия ҳукума-

ти билан савдо-иқтисодий амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, технологик ривожланиш йўналишларда лойиҳаларни тўхтатмаслик учун ҳамкорлик юқори даражада давом эттирилди ва янги босқичга чиқмоқда.

Олтинчидан, икки томонни қарма-қарши томондан қораловчилар ўртасида мисли кўрилмаган “янги совуқ уруш” келиб чиқди ва кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу ҳолат ҳарбий сиёсий соҳадан чиқиб спорт, маданият, фан, таълим соҳаларида тарқалди. Бу соҳалардан можаро иштирокчилари ўз сиёсий мақсадларида фойдаланмоқдалар, табики бундай фаолият икки томонга ҳам салбий таъсир этмоқда. Айниса иқтисодиётга катта таъсир этмоқда. Бошқача айтадиган бўлсак, можаро иштирокчиларини қайсидир томонни бир томонлама қўллашдан қочиб, бизга нисбатан санкциялар қўлланиш эҳтимолидан сақлаб қолинди.

Хулоса қилсак, бу жараённи тўхтатиш учун сиёсий дипломатик йўл билан ечишга ҳаракатлар ҳам бошланган. Ўзбекистон ташқи сиёсати ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланганлигини кўрсатади.

Шунингдек, бу ҳаракатлар можаро иштирокчиларининг манфаатлари уйғунлигини шакллантиришни, томонларнинг толерант, босиқ бўлишлари тазйиқ ўтказишдан, куч билан кўрқитишдан қочиб тарафдорлигини таъкидлаяпти.

Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ташқи сиёсатнинг халқчил, очик, конструктив ва миллий манфаатлар тўлиқ ҳисобга олинганлиги, ҳар қандай можароларни тинч йўл билан ҳал этишга, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслигига содиқлигини амалда кўрсатаяпти.

С. ЖЎРАЕВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик
университети профессори

**Бу дунёда ҳамма маълум
бир маънода устоздир. Ҳар
биримиз ота-онамиз, фарзанд
тарбиялаймиз, кимгадир
панд-насихат берамиз,
кимнингдир тақдирида муомала
ва фикрларимиз билан роль
уйнаймиз...**

САЛЛА ДЕСА, КАЛЛАНИ ОЛИШ КЕЛАДИГАНЛАРГА ...

Энди гапни бу ёқдан эшитинг.

“Салласини олиб кел деса, калласини қўшиб олиб келади”, деган мақолни кейинги йилларда тез-тез эшитишга тўғри келмоқда. Бу маҳаллий ҳукумат органларининг хатти-ҳаракатига ўхшаб кетади, десак ҳам бўлади. Масалан, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги мактаблардан бирида директор бошчилигида хокимлик вакиллари топшириғига биноан ўқитувчилар мактабдаги таълим сифати ва битирувчиларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириш даражаси пастлиги учун ота-оналардан узр сўрашга мажбур қилинди. Буни қандай изоҳлаш ва оқлаш мумкин? Нима учун юртимизда бундай ҳолатга йўл қўйилди? Ахир, Андижонда ҳатто чақалокларни ҳам сизлаб гапирар эдиларку...

Энг даҳшатлиси, устозларнинг елкалари букилди, юзлари ерга қаратилди, уларни руҳан синдиришди. Ёш устозлар очик-ошкора “ўқитувчилик касбини танлаганимдан минг афсусдаман”, дея хулоса қилишмоқда. Ҳеч бир замонларда, ҳеч бир жамият ва давлатларда бундай ҳолат бўлмаган. Аксинча, масалан, Ҳиндистонда устозларнинг ҳурмати шу даражада юқорики, ҳатто уларнинг соясига ҳам оёқ босишмайди ёки Японияда устозларга нафақат мактабда, балки ҳамма жойда бирдек таъзим-ҳурмат бажо келтирилади ҳамда ҳар бир япониялик болакай ўқитувчи бўлишни орзу қилади.

Дарҳақиқат, Гёте ўз замонида бетакрор фикрларни айтган:

“Чинакам шогирд бор нарсалар негизда мавҳум нарсалар ривожини ўргангани ва шу йўл билан устозига яқинлашиб боради”. Бугунги ҳолат эса устознинг нафақат обрўини тўкишга, балки фарзандимиз тарбиясига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Улар устозидан узоқлашган сари, илм-фан, маърифат ва дунёвий тафаккурдан узоқлашмоқда. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда баъ-

лаштириш, миллий ва хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, инновацион таълим тизими шакланмоқда. Баъзида биз эътиборсиз қолдирган, майда-чуйдадек туюладиган ҳолатлар айнан муаммоларнинг олдини олишда бошланғич нукта бўлиши мумкин. Таҳлиллар натижасида бир қатор ечимларни тавсия шаклида келтириш мумкин.

“ Хулоса қилар эканмиз, халқимизда “Устоз отангдек улуғ” деган ҳикмат бежиз айтилмаганига ишонч ҳосил қиламиз. Ўтган ота-боболаримиз устоз ва муаллимларнинг ҳақини яхши билганлар, уларнинг қадрини нечоғли баланд эканини теран англаган. Абдулла Авлоний айтганидек: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”.

зи ёшларнинг хатти-ҳаракатлари тушунарли ва уларни оқлаш, англаш жуда мушкул бўлмоқда. Бундай ҳолатлар таълим тизимидаги муаммоларнинг янада чуқурлашиши, мураккаблашиши ва чиғаллашишига олиб келмоқда.

Тан олиш керак, бугун таълим тизимида муаммолар йўқ эмас. Уларнинг ечимлари босқичма-босқич ҳал қилинмоқда. Янги Ўзбекистонда таълимни рақам-

Биринчидан, аввало бугунги жараёнларга баъзи инсонлар ўз муносабатини ўзгартириши зарур. Туб ўзгаришларнинг мақсадини кимнидир енгил-елпи гапидан эмас, балки ўзи ўрганиб, тушиниб олиб, иштирок этиши муҳимдир. Шундагина “салла деса, каллани олиб келиш”ларга чек қўйилади.

Иккинчидан, таълим мураккаб жараёндир. Ундаги “бўшлиқ”

ларда кимнидир айбдор қилиш ўринсиз. Таълимда мактаб-лицей-олий, таълим-оила-маҳалла биргалликда яхлит, кластер тизимида фаолият олиб борсагина, ютуқларга эришиш мумкин.

Учинчидан, устозларнинг ойлик маошини минг долларга оширишга ҳаракатлар бошланди. Бу ғоя қоғозда қолиб кетмаслиги учун устозларни пастга эмас, юқорига қараб юришларида, ютуқларида маънавий кўмаклашиш муҳимдир. Шундагина устозлар ерга қараб узр сўрашни эмас балки ўқувчиларга замонавий билимлар бериш ҳақида фикр юритади.

Тўртинчидан, энг муҳими ўқитувчиларни тепадан назорат қилиш эмас, балки устозларнинг ўзини-ўзи назорат қилишига имкон яратиб бериш давр талаби бўлиб қолмоқда. Яъни ўқитувчиларни аниқ вақт ва муддатда малака оширишга юбориш ва уни каттиқ назорат қилиш шарт эмас. Бугунги рақамлаштирилаётган замонда ўқитувчилар ўзига қулай бўлган вақтда малакасини ошириши, синаши учун онлайн (бепул) тарзда платформа яратилиши керак. Бу эса ўз навбатида устознинг янги ғояларини мустақил равишда амалга оширишга замин яратади.

Хулоса қилар эканмиз, халқимизда “Устоз отангдек улуғ” деган ҳикмат бежиз айтилмаганига ишонч ҳосил қиламиз. Ўтган ота-боболаримиз устоз ва муаллимларнинг ҳақини яхши билганлар, уларнинг қадрини нечоғли баланд эканини теран англаган. Абдулла Авлоний айтганидек: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”.

Демак, устозларнинг зиммасида жуда ҳам буюк масъулиятли вазифа юкланган. Бу ҳам бўлса, Янги Ўзбекистон учун ҳар томонлама етук ва баркамол, рақобатбардош, маънан ва ахлоқан пок, ватанпарвар ва инсонпарвар инсонларни тарбиялаб чиқариш вазифасидир.

Феруза УСАРОВА,
Сиёсий фанлар номзоди, доцент



Давлат ва ННТ: БИР-БИРИНИ ҚўЛЛАЙ ОЛМАЙДИМИ?

Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлатнинг энг муҳим таркибий қисмига айланаётганини кўп ҳолларда тан олишга мажбурмиз. Давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда бу вазифаларни сифатли ва тезкор амалга оширишлари мумкин. Чунки нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятдаги муаммоларни ичкаридан биладиган ягона сектордир.

Бугунги кунда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланаётир. Бир масала юзасидан ташаббус билан чиққан давлат органи ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари уни охиригача сифатли амалга ошира олмайди. Европа давлатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат органлари ва ННТ билан ўзаро ҳамкорлик жараёни узок вақтдан бери йўлга қўйилган ва бу ҳозирда ўз мевасини бермоқда.

Ҳамкорлик муносабатларнинг механизмлари сифатида давлат ННТ билан қуйидаги механизмлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳамкорлик қилса, сифатли натижаларга эришиши мумкин:

- Ижтимоий буюртмалар эълон қилиш;
- Грант ва субсидиялар ажратиш;
- Солиқ ва солиқдан ташқари имтиёзларни тақдим этиш;
- Турли ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни ишлаб чиқиш;

— Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва бюджет сиёсатидан хабардор қилиш.

Энди ушбу механизмларнинг айримларига тўхталсак. Давлат ижтимоий буюртмаларини эълон қилиш ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг механизми ҳисобланади. Ижтимоий буюртма — давлат органи билан тижорат ёки нотижорат, жамоат ташкилотлари ўртасида муайян хизматларни кўрсатиш ёки давлат бюджетидан молиялаштириладиган ишларни бажариш тўғрисидаги келишувдир. Афсуски, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат ижтимоий буюртмаларини олиш учун деярли имкониятга эга эмас, чунки улар тижорат ташкилотлари билан рақобатлаша олмайди. ННТ катта салоҳиятга эга, бошқа турдаги ташкилотларга қараганда маҳаллий аҳолига яқинроқ. Шунингдек, халқнинг асосий муаммоларини кўра олади ва баъзи хал қилишда тижорат ташкилотларига қараганда са-



маралироқ бўлиши мумкин.

Солиқ масаласида нодавлат нотижорат ташкилотларига имтиёзлар бериш масаласи ҳам бирмунча оғриқли. Баъзи ННТ солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг фойда, ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҚҚС, мол-мулк, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва ер солиқларига бағишланган бобларида нодавлат нотижорат ташкилотлар ушбу солиқларнинг тўловчиси бўлмасликлари қайд этилган. Шунингдек, ННТ бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг ҳам тўловчиси ҳисобланмайди. Бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно. Агар ННТ тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланса, ушбу фаолиятдан олинган

тушумлардан белгиланган барча солиқларни (ҚҚС, фойда солиғи, сол-мулк солиғи ва бошқаларни) тўлаши керак бўлади.

Бундан ташқари, ўзаро ҳамкорликнинг яна бир шакли маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашидир. Бундай кенгашлар ННТ ва давлат органлари вакиллари ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади. Фақатгина уларнинг кучидан тўғри фойдаланилса бўлгани.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлик қилишлари учун жуда кўп механизмлар мавжуд. Бу механизмлардан максимал фойдаланилса, жамиятдаги ижтимоий муаммолар жуда осон ўз ечимини топади.

Баҳриддин ЗИЯТОВ,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бош мутахассиси

Муносабат

“МАСЪУЛМИЗУ, МАСЪУЛИЯТСИЗМИЗ”

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти. Кейинги йилларда Президентимизнинг қабул қилинган фармон ва қарорлари фикримизнинг исботидир.

Жумладан, мазкур йилда қабул қилинган Президентимизнинг “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини олайлик. Ушбу фармонга мувофиқ шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори кўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 минг сўмдан 622 минг сўмгача оширилди.

Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган боланинг конуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида парваришlash нафақаси тўланадиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги

“Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ТИЭК муассасалари ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Муруват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида” ҳамда “2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, но-

гиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори тегишли қатор идоралар, уларнинг ходимлари олдига масъулиятни оширмоқда.

Бундай масъулиятдан биз — ТИЭК муассасалари ходимлари ҳам четда эмасмиз. Ногиронлиги мавжуд болалар ва катта ёшдаги кишилар тақдирига қайсидир жиҳатдан ўзимизни масъул ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини амалга ошириш юзасидан ТИЭК муассасаси жамоаси бугунги кунда бир қатор чора ва тадбирларни белгилаб олди. Уларни амалда бажаришда эса бор билим ва ҳаракатларимизни аямай мавжуд имкониятлардан фойдаланамиз. Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар биримиз ишимиз масъулиятини ҳеч қачон унутмайлик. Шундагина халқ биздан рози бўлади.

Мархабо УЗОҚОВА,
Самарқанд шаҳридаги 71-ТИЭК бошлиғи

“ҚИЗЛАРГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ, ЭРКАККА ЭСА ЯРАШМАЙДИ”

Биринчи воқеа. Ижтимоий тармоқда бир европалик тенгдошимиз билан суҳбатлашиб қолдим. Она тилиси инглиз бўлган бу йигит салкам 5 та тилда бемалол суҳбатлаша олиши билан эътиборимни тортганди. Суҳбатимиз инглиз тилида бўлди. Айни вақт университетда ўқир экан. Ўқиш билан биргаликда нима иш билан шуғулланасиз десам, ойига бир неча минг доллар фойда келтирадиган бизнесим бор деди. Суҳбат асносида, қандай бизнес билан шуғулланиши хусусида билгим келиб, гап тикиштирдим.

Шу орада, у ўз бизнесини очиклади. Яъни ўқиши ҳуқуқ йўналишида бўлсада, бўш вақтларида расм чизиб, турли кўргазмаларда қатнашиб, уни сотар экан. Баъзида (инглиз тилида “order” дейди) буюртмага хонадонлар деворига расм чизиб бераркан. Зўрку, яна қандай истеъдодларингиз бор деган саволимга қуйидагича жавоб берди: “Ота-онам битта фарзанд бўлганим учун кўлидан ҳамма иш келиши керак дея ёшлигимда кўп хунарларни ўргатган. Кулгили туйилса ҳам айтаман, тикиш-бичишдан тортиб расм чизишу, махсус ресторанларда тайёрланадиган овқатларни ҳам пиширишни биламан. Барчаси — хунар. Биргина расм чизиш орқали шунча пул топяпман, агар ресторонда овқат пиширсам ёки кийим тиксам, бундан ҳам кўпроқ даромад олишим мумкин. Аммо ҳозирча энг кулайи шу. Билмадим, агар ушбу хунарларни ўрганмаганимда контрактимни қандай тўлардим. Бундан ташқари, еб-ичиш, кийим-кечак барчасига пул керак. Умумий айтганда 16 ёшимдан бери ота-онамдан пул олмайман. Барчаси ўзимнинг бўйнимда. Ота онамнинг қизиқишларимни чекламай барча хунарларни ўргатганидан доимо миннатдорман.

Ўқишимни битириб, зўр мутахассис бўлишим ва ойлик маоши катта компанияларда ишлашим мумкин, аммо хунарим менинг иккинчи ишонган дўстим. Доимо ёнимда ту-

ради”. Ўзининг қандай хунарларинг бор, нималарни ўргангансан деган саволига жавоб беришда бошим қотди ва бир икки жойда ишлашимни айтиб, гапни бошқа томонга бурдим.

Иккинчи воқеа. Мактабга тарғиботчи сифатида иш бошлаганимдан сўнг ёшлар билан яқинлашдим. Тўғарак йўлга қўйиб, болаларни ўз қизиқишларига йўналтириш бўйича кўлимиздан келганча иш юритяпмиз. Яқинда бир ўқувчининг онаси келиб, қизимнинг бундай тўғаракларга қатнашишига қаршиман. Чунки мактабни битириб эрга тегади, дея қизини тўғаракдан олиб чиқиб кетди. Нима эмишки, қиз боланинг истеъдодини шакллантиришию олий ўқув юртига кириши тўғри эмас экан. Бир куни ўша ўқувчи қиз ёнимга келиб, ота-онам бундан олдин ИТ тўғаракка қатнашишимни чеклаганди. Кўп соҳаларга қизиқишим баланд, бироқ ота-онамнинг қистови билан барча қизиқишларимдан воз кечяпман. Ота-онанинг фарзандига ёмонлик истамаслигини биламан, аммо уларнинг шундай йўл тутиши тўғрими дея зорланди. Шу орада, саккизинчи синфда ўқийдиган укамиз “Ҳуқуқ соҳасига қизиқаман, ўқитувчи ёки юрист бўлмоқчиман. Аммо ота-онам шифокор бўлишимни хоҳляпти. Қизиқмаган соҳамда ишлашни эса умуман хоҳламайман. Ота-онамнинг раъйига қарши чиқсам, хато қилган бўламанми?”, дея маслаҳат сўраб қолди. Ота-онанг билан гаплашаман дегандим, бир ҳафтадан кейин онасини етаклаб келди. Нега бундай қарорга келдиларингиз десам, отаси шуни хоҳляпти. Шунингдек, бугунги кунда шифокорлар яхшигина пул топаётган эмиш. “Болангизнинг орзу ва қизиқишлари пул олдида кадр-қимматга эга эмасми?” десам, “Ҳечқиси йўқ, ўрганади. Ўқитувчилик йигит кишига ярашмайди”, дейди. Тўғриси, роса ҳаракат қилдим унанинг фикрини ўзгартира олмадим.

“Дарё” нинг YouTubeдаги каналда бир видео кўрдим. Унда менталитет соясига жойланган бирёқлама фикрларга қарамай, мустақил фикрлашдан тўхтамайдиган, бошқалардан ажралиб туришдан чўчимай, ўзи танлаган соҳа ортидан жамиятда ўрнини топаётган ёшлардан бири, таълим ва санъатга эски тизим билан қарамаслик керак деб ҳисобловчи замонавий рассом Сардор Эркинов билан суҳбатлашилган. Танлаган касби билан келажакда Ўзбекистоннинг халқаро имижини ривожлантиришга ҳисса қўшишни истайдиган ёшларнинг борлиги қувонарли. Суҳбатда аҳолининг аксарияти асосли ва аксинча асоссиз сабабларга кўра куни ўтиши ва қорин ғамида яшаётган бир вақтда бундай ёшларни кўллаб-қувватлаш, дардини эшитиш керак деган ғоя илгари сурилган.

Асарларида шарқона нозикликни ғарбона услуб билан умумлаштираётган, долзарб муаммо, кечинма ва ноодатийликни акс эттираётган Сардор Эркинов 2018 йилда Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Дастгоҳли рангтасвир йўналишини тамомлаган. 26 га кирган суҳбатдошнинг санъатга бўлган қизиқиши болалик пайти — оила аъзолари билан биргаликда китоб ўқиш, эртак қаҳрамонларининг суратини чизиш, бувиси билан театрларга борган пайтларда куртак отган. “Болалигида сурат чизмаган ўғил-қиз бўлмайди, рассомлар эса ўша беғуборликни ўзида саклаб қолган касб эгалари”, дейди у.

Уни одамларнинг турли касбларни менсимаслиги, қизларга тўғри келмайди, эркак кишига эса ярашмайди, бунинг ўрнига савдо-сотик билан шуғулланиш керак, деган гаплар ранжитади. Бунинг ортидан қорин тўйдиролмайсан, деганлар хорижлик замонавий мусаввирларнинг суратлари миллионлаб маблағга сотилаётганидан беҳабар. Унинг фикрича, шундай бир тарафлама хулосалар ва ижтимоий хоҳишлар-

ни қондириш важида ёшларнинг ўзи хоҳламаган касб бўйича ишлаши, истамаган ҳаётда яшашларига тўғри келиши ачинарли.

“Дунё ўзгаряпти ва биз бугунги кунда санъатга ўтган аср ёки йиллардаги тизим билан қарай олмаймиз”, — дейди у. Яна у таълим эски тизимда қолиб кетганига урғу беради. Шунингдек, хорижий тажрибалар, грант ва танловлар бизга татбиқ этилмаса, эртага нафақат санъат, балки иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда ҳам ортда қолиш мумкинлигини яширмайди.

Институтни битириб ижод қилман, халқимнинг маданиятини дунё миқёсида танита оладиган асарлар чизаман, деб бир ёшнинг ичида олов ёнса-ю, муҳтожлик рассомни синдирса ва у бошқа касбни танласа, ачинарли, дейди у. Ёш дўстимизни менталитетдан келиб чиқиб инсонлар муайян стандарт асосида яшаши: мактабни тугатиши, институтга кириши, уни тамомлаганидан кейин оила қуриб, болали бўлиши керак, деган тушунча ўйлантиради. Ҳақиқатан ҳам, бундай қарашлар эскирди.

Бироқ, кўриб турганингиздек кўп ҳолларда хорижий мамлакатларда ишлаб, юртини танитишни истаган ўғил-қизга “қўлингдан нима келарди, мен бозорда ишлаяпман, сен ҳам бозорга чиқ”, мазмунидаги “маслаҳатлар” кўплаб ёшларнинг ўзига бўлган ишончини туширмоқда. Албатта, фарзандининг ўқиб, дунё кезиши, Ватанига манфаати тегишини хоҳлайдиганлар жуда кўп, аммо юкоридаги ҳолат сингари воқеалар ҳам атрофимизда тез-тез содир бўлмоқда. “Қизларга тўғри келмайди, эркакка эса ярашмайди”, дейишнинг эса аллақачон замони ўтган. Вақт ғанимат, замон эса бизни кутиб турмайди. Энг олийси, Ватанга фойдаси тегмай ўтиб кетавериш ҳамманинг ҳам кўлидан келади. Аммо бундан кимга қандай наф? Яшашнинг маъноси шуми? Қачонгача: қизларга тўғри келмайди, эркакка эса ярашмайди дея ўзимизни тийиб юрамиз. Ўзгариш вақти келмадимикан? Хулоса қилиб кўринг-чи...

Муроджон РАҲМАТОВ

“АВВАЛ САЛОМАТГА, КЕЙИН МАЛОМАТГА ЙЎЛИҚДИМ-А”

Бир пайтлар эл-улус орасида “Шартигни айт, жонгинам” ибораси роса урф бўлганди. Бир урганда эшакнинг белини синдириб юборадиган норғул йиғитлар, шоп мўйловли раисларни қўйиб туриш, елкасидан зўрға нафас олиб, қариб қуйилмаган айрим шилқим чоллар ҳам дўндик аёлларни кўрганида оғзидан суви қочиб: “Пенсиямдан орттирганим бор, жонидан” дея қармоқ ташлаб қўярди.

Жонгинасининг шартига кўниб, унинг хийла-тузоғига илинган, партига куя тушганларни, қўш хотинли бўлмасдан аввал қоринча қўйган, кейинроқ белида шими турмайдиган кимсалар ҳақида кўрганлар, эшитганлар бор, албатта. Ўша замонлар бирор эркакнинг қўш хотини борлиги ҳақидаги хабар ҳозирги “Интернет” тезлигидан эллик баробар ортиқ тезликда тарқаб кетарди. Бундай ҳолатни бировлар “Эркак уйдан топа олганини кўчадан ахтарди-да”, деса, яна айримлар: “Кўш хотинлига – кўш қайнона жазода” деб қўярди. Айни замонда ҳам “палончи-писмадончини шаърий никоҳлаб олибди” деган миш-мишлар ён-веримизда оралаб юради.

Қахрамонимиз Мирвали Соиповни (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) танийдиганлар у пича пул топгач оғзини йириб, жағидаги тилла тишларини кўрсатиб гаплашадиган бўлиб қолди, дейишади.

Унинг “қобби” си мошранг “Ласетти”-сини минволиб, тақасалтанг заифларни сайр қилдириш. У ана шундай сайрларнинг бирида Саломат Турдиева билан танишади. Телефон рақамлар алмашинувдан сўнг ҳаётининг “шакар” қисми бошланади. Мирвали Саломатга “Жонгинам, шартингни айт. Истасанг, осмондаги юлдуз, сувдаги кундузни олиб бераман”, дея ваъдалар қилади. Ғирт бўйдоқман, шу ёшгача тенгимни топа олмай юргандим. Сизни кўргач, танга топган тентакдай бўлиб қолдим. Эс-хушимни буткул ўғирладингиз, дея Саломатнинг қитиқ патига тегади.

Улар шаърий никоҳдан ўтишади. Баҳор ўтиб, ёз ойлари ўта бошлагач, Мирвалининг қорни ичкарига пуччайиб, Саломатники ташқарига қараб кучайиб бораверади. Айрим хомилдор аёллар сақичга, шафтолиқоқига бошқоронгу бўлса, Саломат тушмагур уйма-уй кўчиш хуморига мубтало бўлади. Икки-уч ойнинг нари-берисида улар ижарада яшамаган Кўқондек шаҳри азимда даҳа қолмайди ҳисоб. Инжиқлиги ҳам томдан ошиб тушади. Бирисида ҳаво етишмасмиш, унисидида қўшни ёмон, наригисидида газ босими пастмиш. Ниҳоят Мирвалининг “захар” ҳаёти бошланади. Воқеалардан пича хабардор Саломатнинг онаси Аноранинг жағига жир битади. Омонат куёвни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга солади. “Хов, куёвбола, қизимни ташлаб кетаман, дея хомтама бўлма, милицияга, прокурорга бораман. Маҳалланга бориб, шармандангни чиқараман”. Уни-буни баҳона қилиб, тез-тез хизмат сафарларига отланаётган Мирвалининг икки уйида икки юзга хархаша. Уни аввалроқ ишламаган калласи бошига ташвиш тушгач, ишлаб кетиб, ўзича фалсафа сўқийди: “Аввал Саломатга, кейин маломатга йўлиқдим-а”.

2021 йилнинг 22 сентябрь куни у вақтинча онасининг уйида яшаётган С.Турдиевани машинасига ўтказиб, бироз айланиб, гаплашиб оламиз деган ваз билан Ўзбекистон тумани худудидан оқиб ўтувчи “Қатта Фарғона канали” ёқа-

сига олиб боради. Ўртада даҳанаки жанг бошланади. Саломат хомилдорлигини пеш қилиб безланади, Мирвали эса хомилангни олдиранди, дея жаҳдан тезланади. Саломат табиятан шаллақи Аноранинг қизи эмасми, Мирвали у деса бу, бу деса, у дея чакаги очилади. Ғазаб отига минган Мирвали Саломатни судраб олиб бориб, қасддан ўлдириш мақсадида каналга итариб юборади ва машинасига ўтириб воқеа жойидан яширинади. Шу дафда канал бўйидаги йўлда бўлган фуқаро Б.Солиев каналда оқиб кетаётган Саломатни кўриб қолиб, ўзини сувга ташлаб, уни қутқариб қолади.

Начора, “Тоғига қараб қулони, сувига қараб илони” деганларидек, бошида кайфу сафо қилиб, пировардида номардларча йўл тутган Мирвалини шум тақдир суд курсисига ўтказди. Унинг суд давомида қилган тавбаю таваллоси, жабрланувчидан тиз чўккудек бўлиб, кечирим сўраб қилган оху зорлари суд томонидан инобатга олинди. Шунингдек, М.Соиповга жазо тайинлашда давлатимизнинг тегишли қонун талаблари: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг қатор бандларига риоя қилиниб, тўққиз йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса шуки, бекорга “Кўш хотинлига нима жазо?”, деб сўралса: “Кўш қайнона” (баъзан камок)” дея халқ тилида айтилмас экан. Хулоса ўзингиздан.

Аброр ОМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Қўқон шаҳар суди судьяси

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-308
Адади: 1507.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Муроджон РАҲМАТОВ

Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига “Шарк”
нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

Диккат!!!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ – XVI” МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси миллий ва халқаро журналистиканинг ютуқларини кенг оммалаштириш,
ОАВ ходимларининг фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни
қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий журналистика ривожига ҳисса қўиши мақсадида Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган
“Олтин қалам – XVI” Миллий мукофоти учун халқаро танловини эълон қилади.

Танлов – телевидение, радио,
босма нашрлар, интернет-журна-
листика ва чет эллик журна-
листнинг Ўзбекистон ҳақидаги
энг яхши материали бўйича беш
йўналишда ўтказилади.

Танловда (2021 йилнинг 31
мартдан 2022 йилнинг 1 апрели-
гача) босма ва интернет нашр-
ларда эълон қилинган, радио ва
телевидениеда эфирга узатилган
материаллар кўриб чиқилади.

Танловда 1 та Бош миллий мукофот!

Шунингдек, асосий мукофотлар:

Телевидение бўйича

Энг яхши журналистик материал учун
миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Радио бўйича

Энг яхши журналистик материал учун
миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Босма нашрлар бўйича

Энг яхши журналистик материал учун
миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Интернет нашрлар бўйича

Энг яхши журналистик материал учун
миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши
материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, радио,
босма ва интернет нашрлар).

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Инсон қадрини улуглашга бағишланган энг яхши материаллари учун;
Оила ва маҳалла мавзуси энг яхши ёритилган материаллари учун;
Ўзбекистон тарихи ёритилган энг яхши материаллари учун;
Энг яхши ахборот хизмати;
Энг яхши фоторепортаж.

Ижодий ишлар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

Мурожаат учун телефонлар: 71-244-64-62, 71-244-37-87, 71-244-64-61, Телеграм рақам: 99-592-05-48

“ЕРФУРУШ” ТАЛАБАГА АЛДАНДИНГИЗМИ?

Сўнги пайтларда турли даражадаги мансабдор шахслар томонидан ноқонуний ер сотиш, ерга нисбтан кадастр хужжатларини тўғирлаш билан боғлиқ жиноий хатти-харакатларга тез-тез кўзимиз тушмоқда.

Баён қилмоқчи бўлган мазкур ҳолат ҳам одатдаги “ерфурушлик” дан кўп фарқ қилмайди. Фақат бу сафар фирибгарлик йўли билан ер сотишга уринган шахс қайсидир туман ҳокимининг ўринбосари ёки ҳокимият мулозими эмас талаба бўлиб чиқди...

Бекободлик Фуркат Отақулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иссиқхона ташкил этиш учун анчадан бери ер сотиб олиш ҳаракатида юрган эди. Кунларнинг бирида “olx.uz”<http://www.gazalkent.uz/> интернет сайтидаги Бекбод тумани Бунёдкор МФЙда бўш ер майдони сотилаётгани ҳақидаги эълонга кўзи тушиб, эълон берувчи билан телефон орқали боғланади. Ўзини Зокир деб таништирган “ер сотувчи” 16 сотихли ер майдонини ҳар бир сотихини 600 АҚШ долларидан – 9000 долларга сотмоқчилигини айтади. Эртаси кун кўришганида Фуркат Зокирдан ернинг хужжатлари ҳақида сўрайди. Зокир кўрсатган хужжатлардан аён бўладики, сотилаётган ер майдони унга тегишли деҳқон хўжалиги ерлари экан. Қонунчиликка мувофиқ деҳқон хўжа-

лигига берилган ер олди-сотди қилин-маслигини билган Фуркат пулни имкон қадар тезлаштириб беришни сўраётган Зокирнинг ҳаракатларидан шубҳалана бошлайди. Унинг ер сотиш ҳаракатига қонуний баҳо бериш учун Департаментнинг Бекобод шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида Зокир Раҳматов фуқаро Фуркат Отақуловдан фирибгарлик йўли билан 9.000 АҚШ долларини олган вақтида департамент ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг очик суд мажлисида айбланувчи З. Раҳматов айбига қисман иқроор бўлиб қуйидагиларни баён қилган:

Кадастр хужжатлари бўйича 11,62



сотихни ташкил қилган ўзига тегишли мазкур ер майдони келажакда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида деҳқон хўжалиги сифатида расмийлаштирган. Ушбу ердан узок вақт давомида фойдаланган.

У Москва технологик институтида ўқиётгани, ерни сотиш орқали контракт пулини, қолаверса, банкдан олган кредит қарзини тўлашни мақсад қилганини айтиб ўтган.

Маълум бўлишича, дастлаб харидорлар ундан ернинг хужжатларини сўрашганда уларга хужжати йўқлигини айтган. Турган гапки, ҳеч бир харидор хужжатсиз ерни сотиб олишни истамаган. 2021 йилнинг сентябрида ўзини “Фуркат” деб таништирган йигит ерни сотиб олишга жиддий қизиқиб қолган. У иссиқхона қуриш учун ер қидириб юрган Фуркатга ер майдони хужжатларда 15 сотих кўрсатилган бўлса-да, аслида 16 сотих қилингани,

деҳқон хўжалигига айлантирилганини, иссиқхона қиладиган бўлса, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастрида ишловчи танишлари орқали ёрдам беришини айтиб ишонтиришга ҳаркат қилган. Яъни у деҳқон хўжалигининг ерини бошқа шахсга сотиш мумкин эмаслигини билган ҳолда фуқаро Ф.Отақуловни алдаб, 9000 АҚШ доллари пулламоқчи бўлган.

Судда Ф.Раҳматов қилган ишдан пушаймонлигини билдириб, унга жазо тайинлашда енгиллик беришни сўради. Суд ҳукми билан З.Раҳматов Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, унга нисбатан қонуний жазо белгиланди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Бекобод
шаҳар судининг раиси

УСТОЗНИНГ АСЛИНИ АНГЛАМОҚ!

Эҳтиром

“Ўқитувчининг бири икки бўлмаслиги мумкин, аммо у бирни ўн қилишга ўргатади. Косаси оқармаслиги мумкин, аммо косани оқартиришни ўргатади. Машина минмаслиги мумкин, лекин машина минишга ўргатади. Ўртаҳол яшаши мумкин, аммо бой бўлишни ўргатади. Шам бўлиб йўлингизни ёритади, аммо ўзи шамдай ёниб тугайди...”

Бу гаплар шунчаки ўқиб ўтиб кетадиган ёки эътиборсиз қолдириладиган гаплар эмас. Бу гаплар моҳиятан ўта муҳим, ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўзгача из, хотира қолдирган инсонларнинг камтарин турмуш тарзи ҳақидаги гаплар. Бу гаплар номигагина ўқитувчилик қиладиган, ўқувчилар тезроқ битириб кетиши учун номигагина баҳолаб ўтказиб юборадиган, жойи келса, уларнинг баҳосини кўтариб кўйиб бериш учун тама қиладиган “ўқитувчи”лар хусусида эмас. Бу гаплар бутун билими, зехни, керак бўлса, ҳаётини мактабга, таълимга бағишлаган фидойи инсонлар ҳақидагидадир.

Аксар одамлар ҳозирги пайтда фидойи ўқитувчилар борлигига ишонмай қўйган. Чунки ижтимоий тармоқлар устозларнинг фақат камчиликларини кўрсатавериб, одамларнинг ишончини сусайтириб қўйди. Тан олиш керак, бундан руҳи чўкиб, ишига сидқидилдан ёндашмайдиган устозлар ҳам бир қадар кўпайди. Одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи шу қадар ачинарли аҳволга келиб қолдики, бирор ўқитувчини намуна қилиб кўрсатса, эътибор ҳам беришмайди. Аммо ўқувчига озгина қаттиқроқ гапирган устоз ҳақидаги маълумотни кўриб қолса, унга боши билан шўнғийди.

Шунчалик салбий фикрлар кўпайиб кетган бўлса-да, касбининг ҳақиқий эгаси бўлган ҳақиқий устозлар ҳеч қачон ўз танлаган йўлидан қайтмай-

ди. Ана шундай устозлардан бири Ҳакима Зокировадир. У 40 йилдан ошқик вақт мобайнида Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманидаги 39 умумий ўрта таълим мактабида фаолият юритмоқда.

Мактабнинг ижодий-маданий ишлар тарғиботи дарсларининг навбатдагисидан тўғаракнинг фаол аъзолари сифатида мактабимизнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ҳакима Зокирова билан суҳбатни у кишини яқиндан таниган ҳамкасбларидан интервью олишдан бошладик.

— Ҳакима опа миллат келажакнинг таълим тарбияси учун, мактабимиз учун умрини, бутун ҳаётини бағишлаган устоз, — дейди мактаб директори Гулнора Иноғомова. — Шу мактабга 17 ёшимда ўқитувчи сифатида илк бор қадам қўйдим. Шу кундан Ҳакима опанинг этагини тутганман, ундан ўрганганларимни санаб адоғига етолмасам керак. У кишини барчамиз ҳурмат қиламиз. Раҳбарлик фаолиятимда ҳам барча ишларни устозим билан бамаслаҳат қиламан. Мактабга киришим биланок Ҳакима опанинг хонасини кўздан кечираман, келдилармикин?! Йўқ бўлса, бугун мактабни қандай назорат қилишни ўйлаб, тўғриси кўрқиб кетаман. Чунки ташкилий ишлар, юқоридан чақириқлар билан бўлиб, бу ишларнинг барчасини устозимга юклаганман. Муҳими, устоз бўлса, кўнглим тўқ.

— Ҳакима билан 5 йил олийгоҳда бирга ўқидик, — дейди курсдоши, айти пайтда ҳамкасби Назиха Одилова. — Унинг интилувчанлиги ҳеч биримизда йўқ эди. Ҳалиям шундай. Оддий мисол, биз амаллаб сессиядан ўтишни, баҳо олишни ўйлардик. У эса баҳога, биринчи бўлишга умуман қизиқмас, биринчиликка интилмасди ҳам. Фақат ўқирди, ҳамма топшириқларни беками-кўст бажарарди. Баҳо олиш учун ўлиб-тирилмасди. Бошқаларга-да ёрдам берарди. Инсон ўз олдида қўйган мақсади, вазифасига чин кўнгилдан ёндашса, илғор бўлиши табиий. Бунга курсдошим, ҳамкасбим, дугонам Ҳакима мисолида яна бир қарра амин бўлганман.

Суҳбат асносида устозимизнинг биз билмаган жуда кўп қирраларини кашф этдик. Бу инсоннинг аслини бир қадар бўлсада англагандай бўлдик. Чунки бу устоз кўпчилигимизнинг ота-онамизни ҳам ўқитган. Улардан эшитганмиз, ўзимиз ҳам гувоҳ бўлганмизки, Ҳакима опа айрим ўқитувчиларга ўхшаб ўзининг ҳаёти, ёшлигида биздан анча илғор бўлганини айтиб вақт ўтказмаган. Дарсини ўтган, мактаб шаънини ҳимоя қилган, таълим-тарбия берган... 63 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳозир ҳам ўшандай фаол.

Улуғбек ЭШДАВЛАТОВ,
Шайхонтохур туманидаги
39 мактаб ўқувчиси

